

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.17/7.06.2024.К/Т.06.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР
УНИВЕРСИТЕТИ**

ЖЎРАЕВ ИЛҲОМ ИКРОМОВИЧ

**ПОЛИВИНИЛХЛОРИДНИ ФИЗИКАВИЙ ВА КИМЁВИЙ
УСУЛЛАРДА МОДИФИКАЦИЯЛАШ ҲАМДА УЛАРНИНГ
ХОССАЛАРИНИ ТАДҚИҚОТИ ВА ТАСНИФИ**

02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

02.00.09 – Товарлар кимёси

**Кимё фанлари доктори (Doctor of Science) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Навоий-2025 йил

Кимё фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора (DSc) по химическим наукам

Contents of the dissertation abstract of doctor of (DSc) on chemical sciences

Жўраев Илхом Икромович

Поливинилхлоридни физикавий ва кимёвий усулларда модификациялаш ҳамда уларнинг хоссаларини тадқиқоти ва таснифи 3

Жураев Илхом Икромович

Модификация поливинилхлорида физическими и химическими методами, а также исследование его свойств и классификация..... 29

Juraev Ithom

Modification of polyvinyl chloride by physical and chemical methods, research of its properties and classification55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....59

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.17/7.06.2024.К/Т.06.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР
УНИВЕРСИТЕТИ**

ЖЎРАЕВ ИЛҲОМ ИКРОМОВИЧ

**ПОЛИВИНИЛХЛОРИДНИ ФИЗИКАВИЙ ВА КИМЁВИЙ
УСУЛЛАРДА МОДИФИКАЦИЯЛАШ ҲАМДА УЛАРНИНГ
ХОССАЛАРИНИ ТАДҚИҚОТИ ВА ТАСНИФИ**

**02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси
02.00.09 – Товарлар кимёси**

**Кимё фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Навоий-2025 йил

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.4.DSc/K209. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Навоий давлат кончилиқ ва технологиялар университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.nsumt.uz ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:

Муҳиддинов Баходир Фаҳриддинович
кимё фанлари доктори, профессор

Маҳсумов Абдухамид Гофурович
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдуганиев Баҳтиёр Ермахаматович
кимё фанлари доктори, профессор

Жўрақулов Шерзод Ниятқобулович
кимё фанлари доктори, катта илмий ходим

Фозилов Садриддин Файзуллоевич
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Термиз давлат университети

Диссертация ҳимояси Навоий давлат кончилиқ ва технологиялар университети ҳузуридаги DSc.17/7.06.2024.K/T.06.03 рақамли Илмий кенгашнинг « 7 » 02 2025-йил соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил:210100, Навоий шаҳри, Ғалаба шох кўчаси, 76 в-уй. Навоий давлат кончилиқ ва технологиялар университетининг мажлислар зали. Тел.: (79) 223-49-66; факс: +99879-223-49-66; (E-mail: info@nsumt.uz).

Диссертация билан Навоий давлат кончилиқ ва технологиялар университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (180-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Ғалаба шох кўчаси, 76в-уй. Навоий давлат кончилиқ ва технологиялар университетининг мажлислар зали. Тел.: (79) 223-49-66; факс: +99879-223-49-66; (E-mail: info@nsumt.uz).

Диссертация автореферати 2025-йил « 22 » 01 куни тарқатилди.
(2025 йил « 22 » 01 даги 1 рақамли реестр баённомаси).



Х.М.Вапов
Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

С.Ш.Шарипов
Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш котиби, PhD., доцент

М.Р.Амонов
Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор

КИРИШ (кимё фанлари доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги. Жаҳонда синтетик полимерларнинг истеъмоли кундан кун ортиб бормоқда. Бу эса саноат, халқ хўжалиги учун кенг кўламли полимер маҳсулотлар полиэтилен, полиэтилентерефталат, полипропилен ва поливинилхлорид асосида янги турдаги композицион материалларни ишлаб чиқариш, улар асосида олинган товар маҳсулотларнинг хоссаларини яхшилашни тақозо этмоқда. Ушбу полимер бирикмалар орасида поливинилхлорид материалларига бўлган талабнинг ошиши халқ хўжалигининг турли тармоқлари, шу жумладан, қурилишда маҳсулотлар ассортиментининг кенгайишига олиб келади ва унга асосланган материалларга бўлган эҳтиёжни янада ошишига имкон беради. Бугунги кундаги энг долзарб масалалардан бири, поливинилхлоридни қайта ишлашни яхшилашдир, чунки унинг эриш ва парчаланиш ҳароратларининг яқинлиги деструктив жараёнларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Шу сабабли полимерларнинг қайта ишлаш хусусиятларини яхшилайдиган янги термик барқарорликни таъминлайдиган стабилизаторлар, пластификаторлар ва бошқа модификаторларни ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Дунёда ПВХ асосида турли полимер композит материаллар ишлаб чиқариш соҳасида кўплаб илмий изланишлар, юқори самарали термостабилизаторлар, пластификаторлар ва бошқа модификаторларни яратиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, поливинилхлоридни қайта ишлашни яхшилаш ва унинг физик-механик хусусиятларини ошириш учун модификатор сифатида полифункционал бирикмаларни синтез қилиш, шунингдек, ПВХ учун мақбул стабилизаторлар ва пластификаторлар яратиш усуллари алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда поливинилхлорид асосидаги маҳсулотлар ва материаллар ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, термик барқарорлиги юқори бўлган турли хил композицион материаллар ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш, поливинилхлорид ва улар асосидаги материаллар учун таркибида икки ва уч боғлар сақловчи янги модификаторларни синтез қилиш, саноатда қўллаш бўйича илмий чора-тадбирларни жорий қилиб, бир қатор илмий-амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида “Маҳсулот ва технологияларнинг принципиал жиҳатдан янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, шу асосида ташқи ва ички бозорларда рақобатбардош маҳаллий товарларни таъминлаш”¹ каби муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, поливинилхлоридни қайта ишлашни яхшилаш мақсадида, унинг таркибига модификаторлар (термостабилизаторлар, пластификаторлар ва бошқалар) киритиш талаб қилинади, натижада, маълум илмий ва амалий ютуқларга эришилади. Шу билан бирга, маҳаллий хомашё асосида полимер материаллар

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғриси»даги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2017. – 103 б.

учун икки ва уч боғларни ўз таркибига олувчи модификаторлар ишлаб чиқаришнинг тежамкор ва экологик тоза технологияларини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар катта илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 13-февралдаги “Кимё саноати корхоналарини янада ислоҳ қилиш ва молиявий соғломлаштириш, саноат корхоналарини молиявий соғломлаштиришни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4992-сон қарорида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 23-майдаги “Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4335-сон ва 2019-йил 3-апрелдаги №ПП-4265-сонли “Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва инвестициявий жозибадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика илм-фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожланишининг VII “Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.²

Поливинилхлорид (ПВХ) нинг термик барқарорлигини ошириш, унинг термик деструкцияси механизмларини ўрганиш, самарали термостабилизациялаш ва пластификациялаш усулларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотларга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан "Fraunhofer Institute for Environmental, Safety, and Energy Technology (UMSICHT)" (Германия), "University of Oxford" (Буюк Британия), "Université Claude Bernard Lyon 1" (Франция), "Massachusetts Institute of Technology (MIT)" (АҚШ), "University of Toronto" (Канада), "University of Tokyo" (Япония), "Indian Institute of Technology (ИТ)" (Ҳиндистон), "University of New South Wales (UNSW)" (Австралия), "Королевский технологический институт" (Швеция), "Университет штата Нью-Йорк в Стони-Брук" (АҚШ), "Университет Цинхуа" (Хитой), "Башкирский государственный университет" (Россия), "ООО «Химстаб»" (Россия), "Институт химической физики им. Н.Н. Семенова Российской академии наук" (Россия), "Научно-производственное объединение «Север»" (Россия), "Московский государственный университет имени М.В. Ломоносова" (Россия), "Всероссийский научно-исследовательский институт кабельной промышленности" (Россия), "Волгоградский государственный технический университет" (Россия) олиб борилмоқда.

Дунёда поливинилхлориднинг пластификациялаш, термик барқарорлигини ошириш, улардан турли хил янги қурилиш материаллари

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.elsevier.com, www.issr.rssi.ru, www.cilibrary.com, www.edunews.ru, <https://scholar.google.com/>, www.fundamentalresearch.ru ва бошқа ахборот манбалар асосида тайёрланди.

ишлаб чиқариш ва термик деструкцияси механизмларини ўрганиш бўйича қатор илмий натижалар олинган, жумладан: ПВХнинг термик барқарорлигини яхшилаш учун экологик тоза қўшимчалар ишлаб чиқилган ва ПВХ деструкцияси кинетикасини турли шароитларда баҳолашда янги аналитик усуллар яратилган. ("Fraunhofer Institute for Environmental, Safety, and Energy Technology (UMSICHT)" (Германия)); ПВХнинг термооксидланиш деструкцияси жараёнларини математик баҳолаш ва унинг олдини олиш усуллари ишлаб чиқилган ("University of Oxford" (Великобритания)); поливинилхлориднинг парчаланиш механизмлари ва биопарчаловчи пластификаторлардан фойдаланиш имкониятлари ишлаб чиқилган ("Université Claude Bernard Lyon 1" (Франция)); Наноструктурали ПВХ стабилизаторларини яратишда компьютер моделлаштириш технологиялари яратилган ("Massachusetts Institute of Technology (MIT)" (США)); янги авлод термостабилизаторлари ишлаб чиқилган ва графен нанозаррачаларининг ПВХ дегидрохлорлаш тезлигини камайтиришдаги роли исботланган ("University of Tokyo" (Япония)); ПВХ ва унинг бошқа полимерлар билан аралашмалари деструкцияси ўрганилган ва тузилиш эффектининг деструктив ўзгаришлардаги ўрни аниқланган ("Башкирский государственный университет" (Россия)); самарадорлиги бўйича хорижий аналоглардан қолишмайдиган, баъзи жиҳатлар бўйича улардан устун бўлган маҳаллий термостабилизаторлар ишлаб чиқилган ("ООО «Химстаб»" (Россия)).

Дунёда ПВХни термик деструкцияга барқарорлигини ошириш ва унинг самарали термик барқарорлаштириш усулларини яратиш, ПВХ асосида олинган товарларни ташқи иқтисодий фаолиятидаги товарлар номенклатурасига мувофиқ идентификациялаш ва таснифлаш бўйича устувор йўналишларда қуйидаги қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: экологик хавфсиз (биопарчаланувчи ёки наноструктурали) пластификаторлар ва стабилизаторларни яратиш, ПВХни қайта ишлаш ва утилизация қилишда ҳосил бўладиган қўшма пиролиз технологиялари ва каталитик хлор ажратиш усулларини экстремал табиий шароитларга мослаштирилган комплекс тизимларни ишлаб чиқиш ҳамда ПВХ асосида олинган товарларни ТИФ ТН бўйича кодлаш, халқаро савдони соддалаштириш, божхона тартиб-қоидаларини назорат қилиш, товарларни таснифлаш тизимларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда жараёнларни стандартлаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Поливинилхлориднинг термик деструкцияси, термостабилизацияси, пластификацияси, унинг асосида модификацияланган материалларни олиш ва қайта ишлаш технологияларини яратиш бўйича қуйида номлари келтирилган олимлар: Мадорский С., Минскер К.С., Браун Д., Ениколопов Н.С., Thallmaier M., Зильберман Е.Н., Федосеева Г.Т., Абдуллин М.И., Берлин Ал.Ал., Пудов В.С., Колесов С.В., Иванова С.Р., Штаркман Б.П., Роговин З.А., Тагер А.А., Каргин В.А., Малинский Ю.М., Журков С.Н., Козлов П.В., Папков С.П., Барштейн Р.С., Соколов С.И., Фельдман Р.И., Розинская И.Н., Аржаков С.А., Бакеев Н.Ф., Кабанов В.А., Аскарлов М.А., Джалилов А.Т., Ахмедов К.С., Ёриев О.М., Фатхуллаев Э.,

Мухиддинов Б.Ф., Мухаммедгалиев Б.А., Бекназаров Х.С., Нуркулов Ф.Н. ва шу каби бошқа мутахассислар катта ҳисса қўшишган.

Ушбу олимларнинг илмий изланишлари натижасида термостабилизаторлар, пластификаторлар ва бошқа модификаторларни синтез қилишнинг турли усуллари бўйича қатор ишланмалар амалга оширилди. Улар термик барқарор, мустаҳкам, юқори диэлектрик мустаҳкамликка эга ва яхшиланган қайта ишлаш хусусиятларига эга полимер материалларни олиш, шунингдек, ушбу асосда ишлаб чиқилган композицияларнинг таркиби ва хусусиятларини ўрганишга қаратилган.

Ҳозирги вақтда маҳаллий хомашё асосида термостабилизаторлар, пластификаторлар ва бошқа модификаторларни ўз ичига оловчи янги поливинилхлорид (ПВХ) асосидаги композицияларни ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ушбу тадқиқотлар термик барқарор, оловга чидамли, ёруғликка бардошли полимер материаллар яратишга йўналтирилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Навоий давлат кончилиги ва технологиялар университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №1-03/2024-сон «Поливинилхлоридни қайта ишлашни яхшилаш учун композициялар ишлаб чиқиш» мавзусидаги хўжалик шартномаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий хомашё асосида термостабилизаторларни синтез қилиш, яхшиланган қайта ишлаш хусусиятларига эга термик барқарор ПВХ композицияларини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг термик, термомеханик, физик-механик, эксплуатацион ва ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси бўйича таснифини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

маҳаллий хомашё асосида термостабилизаторлар синтез қилиш;
синтез қилинган бирикмаларнинг кимёвий таркибини тадқиқ қилиш ва аниқлаш;

термостабилизаторлар ва пластификаторларни ўз ичига оловчи поливинилхлорид композицияларини яратиш;

паст ва юқори молекуляр бирикмалар билан ПВХ термостабилизацияси ва пластификацияси жараёнларини тадқиқ қилиш ва уларнинг қонуниятларини аниқлаш;

термостабилизаторларни ўз ичига оловчи ишлаб чиқилган ПВХ композицияларининг термик хусусиятларини тадқиқ қилиш;

термостабилизаторларнинг сарфланиш тезлиги константасини аниқлаш ва қўлланган термостабилизаторларнинг самарадорли боғлиқлигини ўрганиш;

ишлаб чиқилган композицияларнинг физик-механик ва бошқа эксплуатацион хусусиятларини тадқиқ қилиш;

синтез қилинган бирикмалар ва улар асосида олинган композицияларнинг ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси асосида таснифлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида “Навоиазот” АЖ корхонасида ишлаб

чиқарилган поливинилхлорид (ПВХ) ва 201-цеҳининг технологик эритмаси (ТГА), алкилоксикарбамат ҳосилалари: N,N¹-гексаметилен-бис [(метокси)карбамат] (МОК), пропаргил, аллил ҳосилалари, азофенол ва азонафтол асосидаги ҳосилалар: (2,2'-дипропаргил диэфир азофенол) п-ДПДЭАФ олинган.

Тадқиқотнинг предметини таркибида термостабилизаторлар ва пластификаторлар мавжуд, яхшиланган қайта ишлаш хусусиятларига эга поливинилхлорид асосидаги термик барқарор композицияларни олиш, шунингдек, олинган материалларнинг физик-кимёвий, механик ва эксплуатацион хусусиятларини ўрганиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида инфрақизил спектроскопия, ЯМР спекроскопия, термогравиметрик, дифференциал-термик, термомеханик, деформацион ва стандарт таҳлил усуллари каби замонавий физик-кимёвий тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сорбин кислотасининг пропаргил эфири билан ҳосилалари синтез қилиниб, ушбу бирикмаларнинг кимёвий тузилиши ва хоссалари аниқланган;

поливинилхлориднинг алкилоксикарбамат ҳосилалари ва азофенол ва азонафтолнинг пропаргил ҳамда аллил ҳосилалари тутган композицияларининг термик барқарорлиги ҳамда қўлланилган термостабилизаторларнинг самарадорлик қатори аниқланган;

термостабилизаторларнинг сарфланиш тезлик константалари аниқланиб, уларнинг самарадорлиги ва қўлланилган термостабилизаторлар орасидаги ўзаро боғлиқлиги ишлаб чиқилган;

поливинилхлориднинг пластификацияланган намуналарини шишланиш ва суюқланиш ҳароратлари аниқланиб, ишлатилган пластификаторларнинг самарадорлиги аниқланган.

қайта ишланган композицияларининг физик-кимёвий, физик-механик ва бошқа эксплуатацион хусусиятлари ҳамда уларнинг қўлланилиш соҳалари аниқланган.

синтез қилинган бирикмалар ва улар асосида олинган композициялар учун ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатурасидан товар кодлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ПВХ асосидаги термопластик полимерлар учун анъанавий усуллар билан суюқланмадан қайта ишлаш имконини берадиган ва қайта ишлаш хусусиятлари яхшиланган термик барқарор композициялар ишлаб чиқилган;

термостабилизаторлар билан ишлаб чиқилган композицияларнинг термик барқарорлиги аниқланган ва уларнинг самарадорлик қатори ишлаб чиқилган.

поливинилхлорид асосидаги янги композит материалларни сертификатлашда спектроскопия усулларида асосланган юқори аниқликдаги тежамкор ҳамда тезкор усуллар ишлаб чиқилган ва пластификацияланган поливинилхлориднинг кимёвий таркиби асосида синфланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижаларнинг

ишончилиги замонавий физик-кимёвий таҳлил усуллари - дериватография, ИҚ спектроскопия, мустаҳкамликни текшириш учун синов машинасидан фойдаланилган ҳолда лаборатория тадқиқотлари олиб борилганлиги, ўтказилган кўп сонли экспериментларнинг натижалари қониқарли даражада мутаносиблиги ва миқдорий тасдиқлаш билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ПВХ нинг термик барқарорлигининг термостабилизаторлар ва пластификаторлар таркиби ва табиатига боғлиқлигини тадқиқ қилиш, термостабилизаторларнинг сарфланиш тезлик константасини аниқлаш, шунингдек, ишлаб чиқилган композицияларнинг термик, физик-механик ва бошқа эксплуатацион хусусиятларини асослаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса поливинилхлорид материаллари ва ишлаб чиқилган композициялар асосида тайёрланган маҳсулотларнинг, қурилиш корхоналари учун мўлжалланган қувурлар, шланглар, фитинглар каби буюмларнинг қайта ишлаш хусусиятлари яхшиланишига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши. Поливинилхлорид асосидаги модификацияланган композицион материалларни яратиш ҳамда олиб борилган илмий тадқиқотлар бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ПВХ нинг модификаторлар (термостабилизаторлар, пластификаторлар) билан модификацияланган композициялари олиш технологияси Навоиазот АЖга амалиётга жорий этилган. (“Навоиазот” АЖ нинг 2024 йил 2 декабрдаги № 03-3/6290-сонли маълумотномаси). Натижада, яхшиланган қайта ишлаш хоссаларига эга, суюқланманинг оқувчанлик кўрсаткичи ПТР=40 га тенг, дастлабки композициялардан 5 барабар юқори бўлган ПВХ композицияларни олиш имконини берган;

юқори сорбцион хусусиятига эга бўлган сорбентлар асосида оқова ва ичимлик сувларини тозалаш усули “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ га амалиётга жорий этилган. (“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ 2024 йил 4 ноябрдаги №23/01-01-07/681-сонли маълумотномаси) Натижада, Навоий вилоятининг чекка ҳудудлари Конимех ва Томди туманидаги ичимлик ва оқова сувлари таркибидаги темир, кобалт ва рух ионларининг миқдори 1,5-2 марта камайтириб, тозалаш имконини берган;

юқори селективликка эга бўлган ПВХ асосидаги сорбентлар ёрдамида “Олмалиқ КМК” АЖ технологик эритмалардан қимматбаҳо металлларни ажратиб олиш жараёни “Олмалиқ КМК” АЖда амалиётга жорий этилган. (Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ 2024 йил 2 декабрдаги №01-02-5-XX-24-12-0157-сонли маълумотномаси). Натижада, технологик эритмалардан қимматбаҳо металлларни – олтин, қумуш, платина ва палладий металлларини мос равишда 85%, 98%, 90% ва 95% унумда ажратиб олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 18 та республика ва 14 та халқаро илмий-техник анжуманларда маъруза қилинди ва муҳокамадан ўтказилди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 46 та илмий ишлар чоп этилган бўлиб, улардан 12 таси мақола, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари (DSc) асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда, жумладан, 9 таси республика журналларида, 3 таси хорижий журналларда чоп этилган ҳамда Интеллектуал мулк агентлиги томонидан электрон ҳисоблаш машиналари учун 2 та дастурий таъминот гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг тузилиши кириш, етти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертация ҳажми 207 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва унга бўлган талаб, тадқиқот мақсади ва вазибалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга қўлланилиши бўйича тавсиялар, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши келтирилган.

“Поливинилхлориднинг термик деструкцияси, термостабилизацияси ва пластификацияси” деб номланган биринчи бобида адабиётлар таҳлили асосида поливинилхлорид синтези, хоссалари ва қўлланилиши аниқланган, шунингдек, поливинилхлоридни суспензия, эмулсия, блокли олиш усуллари келтирилган. Айниқса, цирконий ва титан комплексларига асосланган металлорганик катализаторларнинг қўлланилишига алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу катализаторлар селективлиги ва фаоллигини яхшилаш учун турли лигандлар киритиш ёрдамида модификация қилинган.

Поливинилхлорид материаллари ва улар асосидаги композициялар учун термостабилизаторлар ва пластификаторларнинг табиатини ва таркибини таҳлил қилиш амалга оширилган. Биопластификаторлар, кумуш, рух, минерал кўшимчалар каби нанозарралар қўшилиши ва термостабилизаторлар табиати ва концентрациясининг поливинилхлориднинг термик барқарорлиги ва қайта ишланишига таъсири кўрсатилган. Шунингдек, маҳаллий хомашё асосида термостабилизаторлар синтези ва уларнинг термик барқарор ПВХ материалларни ишлаб чиқишда қўлланилиши келтирилган.

Шунингдек, товарлар кимёсининг аҳамияти, ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси (ТИФ ТН) асосида товарларнинг рақамли кодларини таснифлаш, товарларнинг кимёвий таркиби, физик-кимёвий ва бошқа хусусиятлари асосида халқаро ТИФ ТН га мос рақамлар коддини ва сертификатларни бериш, маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларни кимёвий таркиби бўйича сертификатлаш орқали ҳам истеъмолчилар ва ишлаб


чиқарувчиларнинг манфаатларини, ҳам иқтисодий манфаатларни ҳимоя қилиш масалалари кўриб чиқилган.

“**Бошланғич хомашёнинг хусусиятлари ва тадқиқот усуллари**” деб номланган иккинчи бобида бошланғич хомашёлар - ПВХ, термостабилизаторлар, пластификаторлар, пропаргил спиртларнинг физик-кимёвий хоссалари, асосий ва оралиқ маҳсулотларни синтез қилиш методикалари ҳамда тадқиқотларни ўтказиш усуллари, масалан, ЯМР ва ИҚ спектроскопия, композицияларнинг термик барқарорлигини, термик хоссаларини, механик хоссаларини, полимер суюқланмасини оқувчанлик кўрсаткичи ва бошқаларни аниқлаш усуллари ҳам берилган.

“**Поливинилхлорид учун термостабилизаторлар синтези**” деб номланган диссертациясининг учинчи бобида пропаргилсорбинатнинг синтезига таъсир қилувчи барча омиллар таъсири ўрганилган ва унинг тузилиши ИҚ- ва ЯМР спектроскопик усуллар билан ўрганилган ва тасдиқланган.

“**Поливинилхлоридни термостабилизациялаш**” деб номланган тўртинчи бобида ПВХ нинг алкилоксикарбаматлар билан изотермогравиметрик усулда термостабилизациялашнинг тадқиқот натижалари келтирилган.

Алкилоксикарбаматларнинг стабиллаштирувчи таъсири ПВХ ва унинг термик барқарор композициялари термокислородли деструкция кинетикасини 463-483 К ҳарорат оралиғида таққослаш асосида баҳоланди. Изотермогравиметрия натижаларига кўра, алкилоксикарбамат ҳосилалари ПВХ таркибига $(1,58-12,93) \cdot 10^{-2}$ моль/кг миқдорида киритилганда, ПВХнинг умумий дегидрохлорланиш тезлиги сезиларли даражада пасаяди, бу эса масса йўқотилиши бошлангунга қадар бўлган вақтни узайтиради (1-расм ва 1-жадвал).



1-расм. ПВХнинг умумий дегидрохлорланиш кинетик эгри чизиқлари (1) ва унинг N,N1-гексаметилен бис[(метокси) карбамат (МОК)] билан 473 К да композициялари. [МОК]= 10^{-2} моль/кг: 2-2,16; 3-4,31; 4-8,62; 5-12,93

Тадқиқот натижаларининг таҳлилида (1-расм ва 1-жадвал) алкилокси-карбамат ҳосилаларининг ПВХ нинг термик барқарорлигига таъсири турлича бўлади. Фойдаланилган алкилоксикарбамат ҳосилалари орасида энг юқори стабилизация эффекти N,N¹-гексаметилен бис [(метокси) карбамат (МОК)] да намоён бўлди. МОК нинг ПВХ композициясида бўлиши натижасида, умумий дегидрохлорлаш тезлиги сезиларли даражада пасаяди ва индукцион давр ошади.

1-жадвал

Турли ҳароратларда ҳавода 6 соат қиздириш вақтида ПВХ композицияларининг масса йўқотиши (W) ва алкилоксикарбамат ҳосилаларини сарфланиш тезлик константалари (k_p)

Стабили- затор	Стабилизатор микдори		W, масс. %			K _p · 10 ⁴ , сек ⁻¹		
	масс. %	10 ² моль/кг	463 К	473 К	483 К	463 К	473 К	483 К
ПВХ			4,6	13,0	48,8			
МОК	0,5	2,16	4,2	12,1	46,0	1,3	2,6	4,8
	1,0	4,31	3,9	9,3	40,2			
	2,0	8,62	3,5	7,8	36,1			
	3,0	12,93	3,8	8,6	37,3			
ЭОК	0,5	1,92	4,3	12,3	46,7	2,5	3,9	5,8
	1,0	3,85	4,1	9,6	42,3			
	2,0	7,69	3,8	8,1	37,4			
	3,0	11,54	3,9	8,8	38,2			
ПОК	0,5	1,74	4,4	12,4	47,5	3,2	4,3	6,3
	1,0	3,47	4,2	10,1	43,2			
	2,0	6,94	3,8	8,9	38,3			
	3,0	10,42	4,1	8,6	39,2			
БОК	0,5	1,58	4,5	12,5	47,8	4,4	5,6	6,8
	1,0	3,16	4,3	10,8	44,1			
	2,0	6,33	4,1	8,7	38,8			
	3,0	9,49	4,3	9,1	41,2			

МОКнинг ингибирловчи таъсири метил, метоксил гуруҳлари ва реакция занжирларини тўхтатувчи ҳаракатчан водород атомларининг мавжудлиги билан тушунтирилади.


Алкилоксикарбамат ҳосилалари қўшишнинг критик концентрациялари мавжуд бўлиб, уларда ПВХнинг термик парчаланиши тезлашади. Масалан, МОКнинг чегаравий концентрацияси 473 К да $8,62 \cdot 10^{-2}$ моль/кг ни ташкил этиб, бу концентрацияда ПВХ парчаланишидан олдинги масса йўқотишининг индукцион даври тахминан 2-3 баробарга ошади.

Ингибиторнинг концентрацияси критик концентрациядан юқори бўлган ҳолатда, композицияларнинг парчаланишидаги индукцион даврнинг бошланғич концентрацияга ([InH]) боғлиқлиги Ю.А. Шляпников тенгламаси билан изоҳланади. Ушбу тенглама асосида 1-жадвалда келтирилган ингибиторларнинг сарфланиш тезлик константаси (k_p) ҳисобланди.

Таҳлил натижалари (1-жадвал) шундан далолат берадики, стабилизаторларнинг k_p қийматлари камайганда, ПВХнинг термооксидловчи

парчаланишини ингибирлаш самарадорлиги ошади. Ҳарорат 463 К дан 483 К га ошиши билан k_p қийматлари $(1,3-4,4) \cdot 10^{-2} \text{ с}^{-1}$ дан $(4,8-6,8) \cdot 10^{-2} \text{ с}^{-1}$ гача ортади.

Термостабилизаторларнинг ПВХ нинг термик барқарорлигига таъсири дериватография усулида ҳам ўрганилган бўлиб, натижалар 2-расмда келтирилган.



2-расм. 2,16 моль/кг N,N¹-гексаметилен бис [(метокси)карбамат] (МОК) тутган поливинилхлорид композициясининг дериватограммаси:

1-ДТГА эгри чизиғи; 2-ТГП эгри чизиғи; 3-ДСК эгри чизиғи

Натижалар таҳлилига ПВХ таркибига алкилоксикарбамат ҳосилаларини киритиш термик барқарорликни оширишини кўрсатди. Масалан, ПВХ таркибида алкилоксикарбамат ҳосилаларининг миқдори 0,5; 1,0; 2,0 ва 3,0 масс.% ошиб боришида, 500°C да термик барқарорлик мос равишда 79,18; 78,18; 73,88 ва 58,40 масс.% ошиб боради. Бу, эҳтимол, алкилоксикарбамат ҳосилаларининг термик парчаланишида ҳосил бўладиган таркибидаги метил, алкоксил гуруҳлари, ҳаракатчан водород атомлари ва бошқа радикалларнинг радикал-занжирли жараёнларни ингибирлаш қобилияти билан изоҳланади.

ТГП эгриларининг таҳлил натижаларига кўра, ПВХ:МОК композициясининг турли концентрацияларда асосан икки ҳарорат интервалида деструкцияланади. Биринчи интервал 250–350°C оралиғида юқори тезликда (8,22 мг/мин), иккинчи интервал эса 500–550°C оралиғида нисбатан паст тезликда (3,32 мг/мин) содир бўлади. Бу, ўз навбатида, ПВХ полимерининг босқичли парчаланиши билан боғлиқ.

Шунингдек, ПВХ парчаланиш, 10, 20 ва 50% масса йўқотишига мос келувчи ҳарорати ҳам аниқланди. Натижалар 2-жадвалда келтирилган.

Тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, термостабилизаторнинг алкил радикалининг узунлиги ошиши билан ПВХнинг термик барқарорлиги камаяди. Масалан, дастлабки ПВХ учун парчаланишнинг бошланиш ҳарорати 227°C ни ташкил этса, МОК, ЭОК, ПОК ва БОК сақловчи ПВХ учун бу кўрсаткич мос равишда 249°C, 245°C, 238°C ва 231°C га тенг. ПВХнинг МОК сақловчи композицияси учун 10, 20 ва 50% масса йўқотиш ҳарорати 272°C, 294°C ва 388°C ни ташкил этади.

2-жадвал

Поливинилхлориднинг алкилоксикарбаматлар билан композицияларининг
динамик термогравиметрик анализ натижалари.
Стабилизатор концентрацияси – 2,0 масс.%

Намуна	Парчаланиш ҳарорати, °С				Белгиланган ҳароратда масса йўқотилиши, %	
	T ₀	T ₁₀	T ₂₀	T ₅₀	T ₄₀₀	T ₆₀₀
ПВХ (бошланғич)	227	265	286	382	41,06	59,82
ПВХ + МОК	249	272	294	388	39,01	56,68
ПВХ + ЭОК	245	266	283	379	42,13	61,80
ПВХ + ПОК	238	257	276	368	45,10	64,02
ПВХ + БОК	231	249	269	362	48,90	68,40

ПВХ нинг таркибига алкилоксикарбамат ҳосилалари сақловчи композицияларида алкил радикалининг узунлиги ошиши билан термик барқарорлик камаяди. Масалан, МОК, ЭОК, ПОК ва БОК сақловчи ПВХ учун 400°С да масса йўқотиш мос равишда 39,01%, 42,13%, 45,10% ва 48,90% ни ташкил қилади. Бу, алкил радикалининг узунлиги ошиши ва уларнинг оксидланиш қобилияти ошиши билан боғлиқ. Бу ҳолат гидропероксид ва пероксид гуруҳларнинг ҳосил бўлишига олиб келади, улар эса ПВХнинг термодеструкциясини тезлашишига ёрдам беради.


Олинган натижаларга асосланиб, алкилоксикарбамат ҳосилалари термостабилизатор сифатида самарадорлиги қуйидаги қаторга жойлаштирилди:

МОК > ЭОК > ПОК > БОК


Шунингдек, алкилоксикарбамат ҳосилалари ПВХни суёқланмадан қайта ишлаш жараёнида самарали фойдаланилиш мумкинлиги исботланди.

ПВХнинг термостабилизаторлар билан термостабилизациясининг механизмини тушунтириш учун, ПВХ ва унинг композицияларининг термик парчаланиш маҳсулотлари ИҚ- ва ЭПР-спектрал таҳлил методлари билан ўрганилди. Натижалар 3 ва 4 расмларда келтирилган.

Бошланғич ПВХдан фарқли ўлароқ, полимер қолдиғининг ИҚ-спектрида 1320 см⁻¹ соҳасида янги ютилиш чизиғи пайдо бўлади, буни –С=С– боғларининг валент тебранишларига тегишли деб қараш мумкин. Дастлабки ва N,N'-гексаметилен бис [(метокси)карбамат] билан стабилизация қилинган полимер қолдиқ спектрларини солиштириш шуни кўрсатадики, стабилизация қилинган намунанинг спектрида С–Cl ва С–Н боғларининг ютилиш соҳаларида нисбатан кичик ўзгариш кузатилади. Бу эса ПВХ парчаланиш даражасининг камайганлигини кўрсатади.



3-расм. Бошланғич ПВХ (1), 473 К да термик деструкцияга учраган бошланғич ПВХ(3) ва $8,62 \cdot 10^{-2}$ моль/кг N,N' -гексаметилен бис[(метокси) карбамат] (МОК) билан стабилизация қилинган ПВХ (2) қолдикларининг ИҚ-спектрлари



4-расм. Бошланғич ПВХ (1), 473 К да ҳавода $16 \cdot 10^{-2}$ моль/кг МОК сақлаган (2) ва $8,62 \cdot 10^{-2}$ моль/кг МОК сақлаган (3) ПВХ композициялари қолдикларининг ЭПР-спектрлари

473 К да пиролизга учраган ПВХ қолдиғининг ЭПР спектрлари таҳлиliga кўра, N,N' -гексаметилен бис [(метокси)карбамат] билан стабилизацияланган намуналарда парамагнит заррачалар сони термостабилизатор концентрациясига пропорционал равишда камаяди (4-расм).

Олинган натижалар асосида ПВХ термодеструкциясини ингибирлашнинг тахминий механизми таклиф қилинди.

Шунингдек, ПВХ нинг азофенол ва азофтаолнинг пропаргил ва аллил ҳосилалари билан термостабилизацияси ҳам ўрганилди. Уларнинг самарадорлиги ПВХ ва унинг термостабилизацияланган композицияларининг 463–483К ҳароратдаги термооксидланиш деструкцияси кинетикасини таққослаш орқали баҳоланди ва натижалар 3-жадвалда келтирилган.

ПВХ ва унинг композицияларининг брутто дегидрохлорлашининг кинетик эгри чизикларини таҳлил қилиш уларнинг турлича кўринишга эга эканлигини кўрсатади. Алкилоксикарбамат ҳосилалари билан азофенол ва азофтаол ҳосилаларининг структураларини солиштирганда, азофенол ва азофтаол ҳосилаларида икки ёки учта иккиламчи ёки учламчи боғ мавжудлиги кўринади. Бу боғлар ажралаётган водород хлорид билан бевосита реакцияга киришиб, ПВХ парчаланишининг индукцион даврини сезиларли даражада оширишга олиб келади ва шу билан бирга масса йўқотишни камайтиради.

Тахминий ҳисоб-китобларга кўра, бир молекула 4,4'-дипропаргил диэфир азофенол уч молекула водород хлоридни боғлайди ва полимернинг термооксидланиш парчаланиши жараёнида радикал-занжирли жараёнларни секинлаштиради. Шунинг учун, ПВХнинг дегидрохлорлаш кинетик эгри чизиклари алкилоксикарбамат ҳосилаларига нисбатан сезиларли даражада секинлашади.


Ҳавода 6 соат қиздирилганда ПВХ композицияларининг масса йўқотиши (W) ва азофенол ҳамда азофтаол ҳосилалари учун турли ҳароратлардаги сарфланиш тезлик константалари (Kp)

Стабили- затор	Стабилизатор миқдори		W, масс. %			Kp · 10 ⁴ , сек ⁻¹		
	масс. %	10 ² моль/кг	463 К	473 К	483 К	463 К	473 К	483 К
ПВХ			4,6	13,0	48,8			
пДПДЭАФ	0,5	1,76	3,9	11,2	40,2	1,1	2,2	4,3
	1,0	3,52	3,6	7,5	35,6			
	2,0	7,04	2,5	6,5	29,3			
	3,0	14,08	3,1	8,2	32,1			
ДПДЭФАР	0,5	1,76	4,1	11,6	41,3	1,5	2,9	5,3
	1,0	3,52	3,8	7,9	36,7			
	2,0	7,04	2,7	5,8	30,1			
	3,0	14,08	3,3	7,2	33,8			
ДПДЭАФ	0,5	1,76	4,2	11,5	43,1	2,1	3,2	5,7
	1,0	3,52	3,9	8,0	37,8			
	2,0	7,04	3,2	7,4	31,6			
	3,0	14,08	3,5	7,8	34,3			
ФАНПЭ	0,5	1,78	4,3	11,5	44,2	2,8	3,9	5,9
	1,0	3,56	4,0	8,6	38,3			
	2,0	7,12	3,7	7,9	33,2			
	3,0	14,24	3,8	8,2	35,3			
ПОАФ	0,5	1,7	4,3	11,6	45,3	3,7	4,6	6,3
	1,0	3,4	4,2	8,9	39,6			
	2,0	6,8	3,9	8,0	34,2			
	3,0	10,2	4,1	8,3	36,3			
ФАОАН	0,5	1,74	4,2	11,5	44,3	4,2	5,2	6,9
	1,0	3,47	3,9	9,2	40,6			
	2,0	6,94	3,8	8,5	35,3			
	3,0	10,42	4,1	8,4	37,2			

Тадқиқот натижалари таҳлили (3-жадвал) шуни кўрсатадики, сарфла-ниш тезлиги константаси (Kp) стабилизаторларнинг табиати ва самарадорлигига боғлиқ. Термостабилизатор самарадорлиги ошганида сарфланиш тезлиги константаси камаяди. Масалан, азофенол ва азофтаол ҳосилалари орасида энг самарали 4,4'-дипропаргил диэфир азофенол бўлиб, унинг Kp қиймати 463 К да $1,1 \cdot 10^{-4} \text{ с}^{-1}$, 483 К да эса $4,3 \cdot 10^{-4} \text{ с}^{-1}$ ни ташкил этади. Стабилизаторларнинг табиати ва термостабилизация ҳароратига боғлиқ ҳолда Kp қиймати $(1,1-6,9) \cdot 10^{-4} \text{ с}^{-1}$ оралиғида ўзгариши мумкин.

Ҳарорат ошиши билан сарфланиш тезлиги константаси ҳам ошиб боради. Бу ҳолат ҳарорат ошиши натижасида деструкция тезлигининг ошиши ва стабилизаторлар сарфи кўпайиши билан изоҳланади.

Азофенол ва азофтаолларнинг пропаргил ва аллил ҳосилаларининг термостабилизаторлик самарадорлиги дериватография усули билан баҳоланган, натижалар 5-расм ва 4-жадвал да келтирилган.



5-расм. Поливинилхлорид (ПВХ)нинг $1,76 \cdot 10^{-2}$ моль/кг 4,4'-дипропаргил диэфир азофенол (ДПДЭАФ) сақловчи композицияларнинг дериватограммаси: 1 — ДТГА эгри чизиғи; 2 — ТГП эгри чизиғи; 3 — ДСК эгри чизиғи

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, ПВХ таркибига пропаргил ҳосилали азофенол (ДПДЭАФ) киритилганда парчаланишнинг бошланиш ҳарорати ошади, шу билан бирга масса йўқотиш камаяди.

ПВХ ва ДПДЭАФ сақловчи композицияларнинг дифференциал сканерловчи калориметрияси (ДСК) ўтказилди. Натижалар шуни кўрсатадики, ПВХ ва унинг асосидаги композицияларнинг парчаланиши учун сарфланган энергия миқдори ($\mu\text{V}\cdot\text{s}/\text{mg}$) ҳароратга боғлиқ равишда экстремал ўзгаради.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, энг кўп энергия $400\text{--}500^\circ\text{C}$ ҳарорат оралиғида сарфланади. Бу интервалда сарфланган энергия миқдори мос равишда $4,018\text{--}5,034 \mu\text{V}\cdot\text{s}/\text{mg}$ ни ташкил этади. Камроқ энергия эса ПВХ композициялари парчаланиши учун $100\text{--}200^\circ\text{C}$ оралиғида талаб қилинади, бунинг учун энергия миқдори $0,55\text{--}1,083 \mu\text{V}\cdot\text{s}/\text{mg}$ ни ташкил этади. Бу ҳолат поливинилхлориднинг босқичма-босқич парчаланиши билан изоҳланади.

Шунингдек, ПВХ асосидаги композицияларда 10, 20 ва 50% масса йўқотишга мос келувчи ҳароратлар ва ПВХ ни парчаланиш ҳароратининг бошланиши аниқланди. Натижалар 4-жадвалда келтирилган.

ПВХ ва ДПДЭАФ сақловчи композицияларининг динамик термогравиметрик таҳлили натижалари

ПВХ композицияси	Парчаланиш ҳарорати, °С				Белгиланган ҳароратда йўқотилган масса, %	
	T ₀	T ₁₀	T ₂₀	T ₅₀	B ₄₀₀	B ₆₀₀
ПВХ (исх.)	227	265	286	382	41,06	59,82
ПВХ+0,5 масс.% ДПДЭАФ	270	277	289	319	53,21	78,28
ПВХ+1,0 масс.% ДПДЭАФ	278	286	295	332	64,33	79,40
ПВХ+2,0 масс.% ДПДЭАФ	293	314	326	339	66,13	82,28
ПВХ+3,0 масс.% ДПДЭАФ	286	294	302	365	65,89	80,06

Тадқиқот натижалари таҳлили (4-жадвал) шуни кўрсатадики, термостабилизаторларнинг концентрацияси ошиши билан ПВХнинг термик барқарорлиги унинг критик концентрациясигача ошади, аммо стабилизаторнинг кейинги концентрациясини ошириш ПВХ-композицияларининг термостабиллигини пасайишига олиб келади.

ПВХни пропаргил ва аллил ҳосилалари билан термостабилизициялаш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида уларнинг стабилизаторлик самарадорлиги қуйидаги қаторга жойлаштирилади:



Демак, азофенол ва азофтаолларнинг пропаргил ва аллил ҳосилаларини поливинилхлоридни суяқланмадан қайта ишлашда қўллаш мумкин.

ПВХни термостабилизациялаш механизмини аниқлаш мақсадида ПВХ ва унинг композицияларининг термик парчаланиш маҳсулотлари ИҚ ва ЭПР спектрал таҳлил методлари ёрдамида ўрганилди ҳамда азофенол ва азофтаолларнинг пропаргил ва аллил ҳосилалари билан ПВХнинг термодеструкциясини ингибирлашнинг тахминий механизми таклиф қилинди.

Диссертациянинг **"Поливинилхлоридни пластификациялаш"** деб номланган бешинчи бобида, поливинилхлоридни сланецли смола билан пластификация қилиш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган. Поливинилхлорид асосида сланецли смола билан ишлаб чиқилган композицияларнинг термик, реологик, физик-механик хусусиятлари ва ИҚ спектроскопик таҳлиллари ўрганилган.

Поливинилхлорид таркибига сланецли смола киритилганда, полимернинг суяқланиш ҳарорати (T_c) пасайиши кузатилади, аммо T_ш (шишаланиш ҳарорати)га қараганда анча кам даражада пасаяди (5-жадвал). Бу юқори эластик ҳолат соҳасини кенгайтишига олиб келади, бу эса амалиётда жуда муҳимдир, чунки полимер материалларнинг энг қимматли хусусиятлари айнан шу соҳада намоён бўлади.


Поливинилхлориднинг T_c ва $T_{ш}$ ҳароратларига сланец мойи
миқдорининг таъсири

ПВХ композицияси	Сланец миқдори, масс.%	$T_{ш}, ^\circ\text{C}$	$T_c, ^\circ\text{C}$	$T_c - T_{ш}$
ПВХ	0	80	196	116
Сланецли смола	5,0	73	190	117
	10,0	67	185	118
	15,0	62	182	120
	20,0	58	179	121
	30,0	53	174	122

Маълумки, ПВХ таркибига турли ингредиентларни қўшиш полимер материалларининг хусусиятларига албатта таъсир қилади.

Шу сабабли, поливинилхлориднинг сланецли смола билан таркибий композицияларининг термик хусусиятлари дериватографик усулда ўрганилди, тадқиқот натижалари 6-расмда келтирилган.

Анализ натижаларини таҳлил қилиш (6-расм) шундан далолат берадики, ДТГ эгри чизиғи асосан икки сигмоиддан иборат бўлиб, жараён икки босқичда амалга ошади. Биринчи босқич 120°C дан 300°C гача бўлган ҳарорат оралиғида содир бўлади ва бу вақтда масса йўқотиши 33,87% ни ташкил этади. Иккинчи босқич эса 350°C дан 500°C гача бўлган ҳарорат оралиғида рўй беради ва масса йўқотиши 52,98% ни ташкил этади.




6-расм. 20,0 масс.% сланецли смола тутган поливинилхлорид композициясининг дериватограммаси: 1- ДТГА эгри чизиғи; 2-ДСК эгри чизиғи

Олинган натижаларни таққослаш шундан далолат берадики, сланецли смола миқдори ошган сайин ПВХ-композициялардаги масса йўқотиш даражаси ҳам ортиб боради. Масалан, 250°C ҳароратда сланецли смола миқдори 5,0; 10,0; 20,0 ва 30,0 масс.% бўлган ҳолда, масса йўқотиш мос

“Полимер-пластификатор”нинг ўзаро таъсири ва ПВХ композициясининг тузилишини аниқлаш мақсадида ИҚ-спектроскопик усул қўлланилди. Бунинг учун бошланғич олинган поливинилхлорид ва унинг турли миқдорда сланецли смола сақлаган композицияларининг спектрлари Shimadzu IR Tracer-100 спектрофотометрида $400\text{--}4000\text{ см}^{-1}$ тўлқин узунлигида олинди. Натижалар 8-расмда келтирилган.


Олинган спектрларнинг таҳлил натижаларидан кўриш мумкинки, барча композицияларда $3400\text{--}3500\text{ см}^{-1}$ соҳада сланецли смоладаги --OH ва --NH_2 гуруҳларига оид ютилиш чизиқлари кузатилади. 2914 ва 2846 см^{-1} , шунингдек, 2957 см^{-1} соҳаларида эса ПВХ ва сланецли смоладаги CH_2 гуруҳларининг валент тебранишлари кузатилади. Ароматик гуруҳлар учун 1620 см^{-1} соҳада ютилиш чизиқлари, $1710\text{--}1720\text{ см}^{-1}$ соҳада кислород сақловчи бирикмаларнинг валент тебранишлари, 1410 ва 1460 см^{-1} соҳада эса ПВХ ва сланецли смоладаги CH_2 гуруҳларининг деформацион тебранишлари кузатилади. $1000\text{--}1250\text{ см}^{-1}$ диапазондаги тебранишлар --OH (сланец смоласида) ва C--Cl (ПВХ) ўртасидаги водород боғлари билан боғлиқ. ПВХ ва сланецли смоланинг ИҚ- спектрларда C--Cl гуруҳларига 710 см^{-1} соҳадаги ютилиш чизиқлари батохром силжиш билан 650 см^{-1} соҳага кўчади, бу водород боғлари мавжудлигини тасдиқлайди.



8-расм. 20,0 масс.% сланецли смола тутган поливинилхлорид композициясининг ИҚ – спектри

Тадқиқот натижаларига асосланиб хулоса қилиш мумкинки, сланецли смола поливинилхлорид (ПВХ) билан ўзаро таъсирлашган ҳолда унинг макромолекулалари ўртасидаги молекулалараро боғларни сусайтиради. Бу жараён полимернинг шишаланиш ва суюқланиш ҳароратининг пасайишига олиб келади. Натижада, ПВХни термопластик полимерлар учун анъанавий қайта ишлаш усуллари ёрдамда қайта ишлаш имконияти пайдо бўлади.

Полимер-композицион материалларнинг қўлланиш соҳаларини белгилашда муҳим хусусиятлардан бири бу – физик-механик хусусиятлардир. Шу туфайли сланецли смола билан модификацияланган ПВХнинг механик хусусиятларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу тадқиқот натижалари 9-расм келтирилган.




9-расм. Поливинилхлорид композицияларида деформацион-мустаҳкамлик хусусиятларининг сланецли смола концентрациясига боғлиқлик диаграммаси

Механик хусусиятларнинг таҳлили (9-расм) сланецли смоланинг миқдори ошиши билан ПВХнинг механик хусусиятлари экстремал ўзгаришини кўрсатмоқда. Сланецли смола миқдори 10,0 масс.% гача ошганида, узилишдаги мустаҳкамлик ва узилиш кучи камайди. Сланецли смола 20,0 масс.% гача оширилганда, узилишдаги мустаҳкамлик ва узилиш кучининг қайтадан ошиши кузатилади. Пластификатор миқдорининг кейинги ортиши билан узилишдаги мустаҳкамлик ва узилиш кучи босқичма-босқич камайиши кузатилади. Бу ҳолат пластификация эффектининг кучайганлигидан далolat беради. Масалан, ПВХ нинг сланецли смола билан 5,0 масс.% композициясида узилиш кучи 158,963 Н ни ташкил этса, 10,0 ва 20,0 масс.% концентрацияларда мос равишда 129,790 Н ва 160,981 Н ташкил этади. Концентрацияни 30,0 масс.% га ошириш узилиш кучининг камайишига олиб келади ва 155,102 Н ни ташкил этади.

Юқори молекуляр бирикмалар учун пластификатор сифатида фойдаланиладиган кўпгина паст молекулярли пластификаторлар учувчанлик, миграция қобиляти, экстракцияга мойиллик каби талабларга жавоб бермайди. Бу хоссалар материалларнинг қаттиқлиги, мўртлиги, нам ўтказувчанлигини оширади ва уларнинг ишлаш муддатини қисқартиради. Шу сабабли, юқори молекулярли пластификаторлардан фойдаланиш зарур. Шу мақсадда полифенил эфир (ПФЭ) пластификатор сифатида қўлланилди. Композицияларнинг термомеханик, термик, реологик ва физик-механик хоссалари ҳамда "полимер-пластификатор" ўзаро молекулалараро таъсири ИҚ-спектроскопия усулида ўрганилди.

Шунингдек, юқори молекуляр пластификаторлар сифатида паст молекуляр полиэтилен, бирламчи полиэтилен ва иккиламчи полиэтилен қўлланилиб, уларнинг термомеханик, термик, реологик ва физик-механик хусусиятлари ҳамда "полимер-пластификатор" ўзаро таъсири ИҚ-спектроскопик усули ёрдамида аниқланган.

Диссертациянинг “Поливинилхлорид асосида сорбентлар синтези ва уларнинг хусусиятлари, ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатура-си бўйича таснифи” деб номланган олтинчи бобида ионитларнинг кимёвий жиҳатдан барқарор ва механик жиҳатдан мустаҳкам турларини яратиш учун молекуласида икки ёки ундан ортиқ реакцияга киришувчан гуруҳлар мавжуд бўлган органик моддалардан фойдаланилган. ТГА таркибидаги тиомочевина, гуанидин ва аминогуанидин моддалари икки ва ундан ортиқ фаол функционал гуруҳларга эга:



Ушбу тадқиқотда "Навоиазот" АЖ томонидан суспензион полимерлаш усули билан олинган PVC-C-6346-M SG5 маркали кукунсимон ПВХ ишлатилган. ПВХ модификацияси жараёнига турли омиллар: ҳарорат, концентрация, реакция давомийлиги ва ванна модулининг таъсири ўрганилган. ПВХнинг ТГА билан модификацияси кинетикасини ҳароратга боғлиқ равишда ўрганиш мақсадида тажрибалар махсус автоклавларда 413-483 К оралиғида 240-600 минут давомида ўтказилган. Модификатор концентрацияси 38-74% (сувли эритмалар) ва ванна модули 1:12,5 дан 1:35,0 гача ўзгартирилган. ПВХнинг ТГА билан модификацияси натижасида олинган ионитнинг статик алмашинув ҳажми (САС) орқали синтезнинг оптимал шароитлари аниқланди.

ПВХнинг аминлаш реакциялари хлорнинг аминлар таркибидаги азот билан алмашинуви натижасида амалга ошади, бу жараёнда HCl ажралиб чиқади. Бу билан бир вақтда бирламчи амин гуруҳлари билан бирга иккиламчи ва учламчи амин гуруҳлари ҳам ҳосил бўлади. Улар эса тикилган тузилмани шаклланишига олиб келади.

ТГА концентрациясининг сорбентга статик алмашинув сиғими (САС) га таъсири ўрганилди. Тадқиқот натижалари таҳлилига кўра, ТГА эритмасининг концентрацияси ошиши ПВХнинг аминлаш реакцияси натижасида ҳосил бўлган анионитнинг статик алмашинув (САС) қиймати ҳам ошади. Концентрация 50% дан юқори бўлганда САС қийматида фақат озгина ўсиш кузатилади. Бу ҳолат қуйидагича изоҳланади: ТГА концентрациясининг ошиши реакция самарадорлигини орттиради, чунки ўзаро таъсир марказлари сони кўпаяди. Бироқ, ТГА концентрацияси 50% дан ошганда, органик аминларнинг ПВХ заррачаларига диффузияси қийинлашгани учун реакция самарадорлиги пасаяди.

ПВХнинг ТГА эритмаси билан аминлаш реакциясига ҳароратнинг таъсири ҳам ўрганилди. Реакцион муҳит ҳароратининг 453 К гача ошиши анионитнинг САС қийматини, шунингдек, модификация даражасини оширади. Аммо, ҳароратнинг бундан кейинги ошиши анионитнинг САС қийматини пасайтиради.


ПВХни тадқиқ қилинган аминлар билан модификациялаш жараёнини тўлиқ баҳолаш мақсадида, ушбу матрицада тоза тиомочевина ва аминогуанидинлар билан ҳам комплекс тадқиқотлар ўтказилди.

